

## ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Мирзаева Ширин Нодировна**

Реал иқтисодиёт кафедраси ассистенти,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон

E-mail: [mirzayeva.shirin.nodirovna@gmail.com](mailto:mirzayeva.shirin.nodirovna@gmail.com)

Телефон рақами: +998905020271

### ARTICLE INFO.

**Key words:** тадбиркорлик, рақобат муҳити, талаб ва таклиф, бозор конъюктураси, бозор инфратузилмаси, антимонопол сиёсат.

**Ключевые слова:**

предпринимательство, конкурентная среда, спрос и предложение, конъюнктура рынка, инфраструктура рынка, антимонопольная политика.

### Annotation

Ушбу мақолада икки функциядан фойдаланган ҳолда, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўриб чиқилади.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается государственная поддержка предпринимательства с использованием двух функций.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Йирик маблағлар талаб қилмайдиган, моддий ресурсларнинг нисбатан қисқа муддат мобайнида ўсиш суръатини кафолатловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётдаги бандлик муаммосини нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз таъминлаш, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланган шароитда истеъмол моллари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг бош кафолати бўлган - ўрта синф, мулкдорлар қатламини шакллантириш, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини ўстириш, инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлаш, муҳими, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишини таъминлашнинг муҳим ва асосий омилidir. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни, нафақат сон жиҳатдан, балки вазифа жиҳатидан ҳам каттадир. Буни биз бозор конъюктурасининг ривожланиши, талаб ва таклиф мувозанати ошиши, рақобат муҳити шаклланишида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- тадбиркорлик субъектлари мустақил равишда ўз ижтимоий-иқтисодий аҳволини

яхшилашдан ташқари, ёлланма ишчиларнинг яшаш даражасини кўтариш имконига эга бўлади;

- тадбиркорлик, нафақат иш билан бандлик, балки шахснинг ички имкониятлари очилиши учун ҳам имконият яратади;

- тадбиркорлик ишсизлик даражасини қисқартириш ва мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш имконига эга;

- мамлакатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам инфратузилма ривожланишига ҳисса қўша олади.

XXI асрга келиб, нафақат, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар, балки социалистик иқтисодиётга эга мамлакатларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бу йўл билан иқтисодиётда мувозанатни сақлашга алоҳида эътибор бера бошландилар. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидаёқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллабқувватлаш мақсадида ҳукуқий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий асослар яратилди.

Аммо бозор иқтисодиёти, яъни ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш иқтисодий тизими даврида ечимини топиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд:

- давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмини ишлаб чиқиш;
- инновацион менежмент ва маркетингни такомиллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий ва бозор рискларидан ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда франчайзиг сингари инновацион бизнес турининг ҳукуқий ва ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллабқувватлаш механизми:

- ✓ Солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар бериш;
- ✓ Ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш;
- ✓ КБХТ субъектлари ҳукуқий асосларини яратиш;
- ✓ Хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш;
- ✓ Маънавий, ижтимоийруҳий қўллабқувватлаш;
- ✓ Молиявий қўллабқувватлаш;
- ✓ Ахборотлар билан таъминлаш;
- ✓ Суғурта хизмати кўрсатиш.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш график бўйича қуйидаги: иқтисодий, ҳукуқий, ижтимоий ва сиёсий йўналишларда амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилган эди: Охирги 4 йилда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш ва уни ҳимоя қилишни кучайтириш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес шарт-шароитларини янада яхшилашга қаратилган 15 дан ортиқ, шу жумладан “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-тамоийллари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 186 турдаги рухсат бериш тартиботлари ва лицензиялар, 65 та статистик ва 6 та солиқ ҳисоботи шакллари бекор қилинди. Солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш тизими, шунингдек, божхонада ҳужжатларни расмийлаштириш

жараёнлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари:

- ❖ Сиёсий;
- ❖ Иқтисодий;
- ❖ Ҳуқуқий;
- ❖ Ижтимоий;
- ❖ Давлат.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасини 1-жадвал маълумотларидан ҳам, тадбиркорлик субъектларининг ЯИИМдаги улуши ривожланган мамлакатлар қаторида 55-57 % ташкил этганиданоқ кўришимиз мумкин.

*Мамлакат ялли ички маҳсулотида тадбиркорликнинг улуши*

№	Мамлакат номи	ЯИИМ даги улуши %
1	Буюк Британия	50 - 53
2	Германия	50 - 52
3	Италия	57 - 60
4	Франция	55 - 62
5	АҚШ	50 - 52
6	Япония	52 - 55
7	Россия	10 - 11
8	Ўзбекистон	55 - 57

Давлат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни икки функция орқали амалга оширади: Биринчи функция: ушбу функцияда тадбиркорлик субъектларини қўллабқувватлаш механизми ва инструментлари, ҳуқуқий-норматив асослари яратилади. Иккинчи функцияда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ишлаб чиқилади.

Биринчи функция мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тааллуқли бўлса, яъни ҳуқуқий асослар ҳамма учун бир хил, ижтимоий ҳимоя ва иқтисодиймолиявий имтиёзлардан барча фойдаланиш ҳуқуқига эга, аммо иккинчи функциядан танлов ёки лойиҳаларда иштирок этиб, мамлакатда иқтисодиётни диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий этиб, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бораётган тадбиркорлик субъектлари фойдаланишлари мумкин.

Иккинчи функция, одатда, мамлакатлар томонидан қуйидаги максадларда қўлланилади:

- илм-фан ва техника-технологияни қўллаб-қувватлаш;
- инновацион менежмент ва маркетингни ривожлантириш;
- тадбиркорлик субъектларини бозор рискларидан ҳимоя қилиш механизмини шакллантириш;
- антимонопол сиёсатнинг самарали механизмини йўлга қўйиш, монопол тузилмаларни деструктуризациялаш;
- нархларни эркинлаштириш;
- мамлакат бозорларининг чет эллик инвесторлар учун очиқлигини таъминлаш;
- экспортни ривожлантириш ва импортни чеклаш.

Иккинчи функция бўйича қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз:

1-йўналиш: “Энг яхши инновацион тадбиркорлик” дастури асосида амалга оширилади. Ушбу лойиҳада сўнги уч йил ичида фаолиятини модернизация қилган тадбиркорлик субъектлари

иштирок этиши мумкин. Ушбу лойиҳа Савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилади.

2-йўналиш: “Энг яхши юқори малакали ходим” лойиҳаси тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган ходимларнинг замонавий техника ҳамда технологиядан фойдаланиш даражасини ҳамда жорижий тилларини билиш қобилиятини синовдан ўтказиш ҳисобланади.

Ушбу лойиҳада ғолиб бўлган ходимлар хорижда малака ошириш имкониятига эга бўлади. Ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси ва Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилади. Шу ўринда солиқ имтиёзларининг ҳам “Энг намунали солиқ тўловчи” номинациясида мунтазам равишда қонунда кўрсатилган тартибда солиқ ва божларни тўлаб борган тадбиркорлар учун ҳам қўлланилиши, энг мақбул йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, франчайзинг сингари бизнес турини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий механизмини ишлаб чиқиш, иккинчи функциянинг асосий йўналишларидан бири бўлиши зарур. Одатда, франчайзинг хорижий эллик йирик компанияларнинг мамлакатимизда маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш ёки кўрсатиш учун бериладиган ишончи сифатида намоён бўлади, аммо ички тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шартнома келишувларининг ҳам намунавий меъёрларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Франчайзингни мамлакатимизда ривожлантиришдан асосий мақсад, экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва ички бозорда нарх эркинлигини таъминлашдир. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун давлат бюджети, халқаро молия институтлари, маҳаллий бюджет, тижорат банклари, микромолиялаш ташкилотлари, хусусий инвесторлар ва тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг ушбу тарзда қўллаб-қувватланиши пировард натижада уларнинг рақобатбардошлиги оширилиши, техник ва технологик базаси янгиланиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини камайтириш ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлиги, фойда ва рентабеллик даражаси ошишига эришилади. Фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини самарали молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

иқтисодий барқарор ўсишнинг узоқ муддатли суръатлари ва иқтисодий мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш; иқтисодиётни диверсификациялаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўналтирилган соҳа ва тармоқларни техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошириш;

А. Қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

В. Аҳолининг иш билан бандлигини тизимли таъминлаш, кичик тадбиркорлар манфаатидан келиб чиқиб, банклар тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик хўжалиқларининг бўш маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жалб қилинишини рағбатлантириш;

С. Янги ўрта синф вакиллари - мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармон субъектлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида бўлса ҳам, кўринмас қўллар ва ҳуқуқий-сиёсий асослар билан тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш механизмини ишлаб чиқиш ва буни иккинчи функция ёрдамида амалга ошириш босқичма-босқич ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Pulatov M. E. On the Need And Ways of Converting Some of the Components of Goodwill Into Identifiable Intangible Assets //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2019. – Т. 8.
2. Pulatov M. E. Conceptual Issues Of Accounting Of Intellectual Capital //American Journal of Economics and Business Management. – 2019. – Т. 2. – №. 1. – С. 117-123.
3. Pulatov M. INTELLECTUAL PROPERTY PARAMETERS OF FINANCIAL REPORTING. – 2016.
4. Pulatov M. System Analysis Of Intellectual Property Indicators Of Financial Statements //European Journal of Business and Economics. – 2012. – Т. 6.
5. Sharifov S. S., Astanaqulov S. Improving the welfare and employment of the population //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 31-41.
6. Saidahadovich S. S. The ways of Efficient use of Resources in Consumer Services //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 22-29.
7. JournalNX-AMultidisciplinary Peer Reviewed Journal Published <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=7497936228629876027&btnI=1&hl=ru>
8. Rahima K., Sobirov B. AUGMENTATION OF SERVICE SPHERE AND DIVERSIFICATION OF CATERING INDUSTRY //Journal of Management Value & Ethics.–2015. – 2015.
9. Jamshedovna K. R. Modernization service factory and improving the sector of service //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 4. – С. 373-383.
10. Kurbanova R., Khakimov D. ORGANIZATIONAL MECHANISMS OF THE TRANSITION OF SERVICE ENTERPRISES TO THE DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN //Results of National Scientific Research International Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 361-367.
11. Jamshedovna K. R. INNOVATION STIMULATES THE FORMATION OF A SYNERGISTIC" EFFECT" IN THE ENTERPRISE //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 254-259.
12. Rakhima K., Jahongir K. ISOTHERMIC SUBSTANCE BENTONITE-SORBENTS SORPTION ISOTHERM APPLIED MESOGOVAR KREMNEZEM IN OBTAINING A NANOCATALIZER //Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595). – 2022. – Т. 2. – №. 1.
13. Jamshed K., Rakhima K. INNOVATION STIMULATES THE FORMATION OF A SYNERGISTIC //Int. J. of Aquatic Science. – 2021. – Т. 12. – №. 2. – С. 2221-2226.
14. Kurbanov Z. M., Kurbanova R. Z. Improvement of the paradigm of service //Научный результат. Технологии бизнеса и сервиса. – 2015. – №. 4 (6). – С. 44-47.
15. Kurbanov Z. M., Kurbanova R. Z. TRANSDISCIPLINARY RESEARCH IN THE SPHERE OF SERVICE ТРАНСДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В СФЕРЕ СЕРВИСА.
16. Shadieva, G., Azamatovna, T. D., & Abdukhalilovich, S. B. (2022). The role of retail trade in increasing the standard of living of the population. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 64-67.

17. Mardievna, S. G., & Zhamshedovich, K. Z. (2023). THE ROLE OF FAMILY BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE INDUSTRY. *Thematics Journal of Commerce and Management*, 7(1).
18. Shadiyeva, G. M., & o'g'li Isoqulov, Z. S. (2022). WAYS TO REDUCE POVERTY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 957-962.
19. Shodiyeva, G., Tog' Ayeva, D. A., & Sultonov, B. A. (2022). KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI IQTISODIYOTDA TUTGAN O 'RNI. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 610-613.
20. Shadiyeva, G. (2022). The Role of Family Business in the Development of the Service Industry. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(9), 213-218.
21. Shadiyeva, G. M., & Akbarovna, K. S. (2023). THE CONCEPT OF" FAMILY ECONOMY", ITS DEVELOPMENT. *Journal of new century innovations*, 20(3), 32-41.
22. Mardievna, S. G., & Oblokulovich, K. S. (2021). Methodology for determining the role of family business in the economy. *European Business and Management*, 7(6), 199.
23. Mardiyevna, S. G., & Anvarovna, E. D. (2022). MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF FAMILY BUSINESSES IN THE DIGITAL ECONOMY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 206-211.
24. Shadiyeva, G., & Shakirova, F. (2020). MILLIY INNOVATSION TIZIMNI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSIYA VA INNOVATSIYALARNING O 'RNI. *SCIENCE AND INNOVATIVE DEVELOPMENT*, (4), 9-16.
25. Пардаев, М. Қ., & Шодиева, Г. М. (2001). Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 151.
26. . Shadiyeva, G. M. (2022). SOCIO-ECONOMIC CONCEPT OF" FAMILY ECONOMY". *Confrencea*, 1(1), 239-243.
27. Shadiyeva, G. M., & Urozaliev, E. (2022). HISTORY OF RAILWAY TRANSPORT DEVELOPMENT IN OUR COUNTRY AND FOREIGN EXPERIENCES. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(8), 221-226.
28. Shadiyeva, G., & Kholmiraeva, G. (2022). FAMILY BUSINESS AND ITS DEVELOPMENT. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(8), 148-151.
29. Shadiyeva, G., & Saidmurodov, F. (2022). DEVELOPMENT OF NATIONAL TOURISM AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF ITS COMPETITIVENESS. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(8), 115-124.
30. Шадиева, Г. М., & Кувандиков, Ш. О. (2022). РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 59-63.
31. Baxtiyorovna M. G., Abdukhaliyevich S. S., Nodirovna M. S. Directions of Improvement of the Mechanism of State Support of Business Entities //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 1-7.
32. Boliboev A. A. et al. METHODS OF PLANNING PRODUCTION PROCESSES //GospodarkaiInnowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 961-964.
33. Yazdonov Q. G., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. THE PROBLEM OF ORGANIZING THE WORKPLACE AT THE ENTERPRISE //GospodarkaiInnowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 982-985.

34. Djaborovna P. D. et al. Opportunities for Small Business and Private Entrepreneurship Development in Rural Areas //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – T. 5. – №. 6. – C. 141-145.
35. Uktamova D. B., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. Factors of Improving the Organization of Labor at the Enterprise //Kresna Social Science and Humanities Research. – 2022. – T. 5. – C. 88-91.
36. Nortojiev M. A., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. On the Issue of Certification of Workplaces According to Working Conditions //Kresna Social Science and Humanities Research. – 2022. – T. 5. – C. 94-96.
37. Hamitov S. I., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. Organization of Staff Work at the Enterprise //Kresna Social Science and Humanities Research. – 2022. – T. 5. – C. 97-100.
38. Nodirovna M. S., Faxriddinovich U. F., Dusmurotovich U. M. Ways and Prospects for Developing the System of Residential Services in Rural Areas, Increasing Employment //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – T. 17. – C. 96-101.
39. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //GospodarkaiInnowacje. – 2022. – T. 23. – C. 29-37.
40. Nodirovna M. S., Mamasoliyevna K. C., Ugli S. J. U. The composition of the income of service workers and ways of its improvement (on the example of educational institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – T. 12. – №. 4. – C. 213-218.
41. Zugurova Z. D., Ubaydullayev B. S. and Mirzaeva S. N. (2022). EFFICIENT PLANNING OF PRODUCTION PROCESSES. International Conference on Research Identity, Value and Ethics, [online] pp.416–418.
42. Yakhyoyeva S. O., Ubaydullayev B. S. and Mirzaeva S. N. (2022). FEATURES OF THE DIVISION AND COOPERATION OF LABOR AT THE ENTERPRISE. International Conference on Research Identity, Value and Ethics, [online] pp.413–415.
43. Mamayunusovich, P. O., & Nodirovna, M. S. (2022). Management of the Mechanism of Storage and Sale of Products in the Republic of Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(5), 67–71.
44. Saidakhmedovich, S. T. ., Nodirovna, M. S. ., &Khaydarjanovna, S. D. . (2022). Ways to Improve the Performance of Service Enterprises in Rural Areas. Middle European Scientific Bulletin, 24, 21-24.
45. M.S.Nodirovna, Shaptakov and Mamasoliyevna, K.C. (2022). Improving the Economic Impact of Increasing Foreign Investment in Uzbekistan in the Digital Economic Environment. AcademicJournalofDigitalEconomicsandStability, [online] 16, pp.160–165
46. M.S. Nodirovna, Ta'nakulovich, T.K. and Baxtiyorovich, S.J. (2022). WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF MEDICAL SERVICES IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY. GospodarkaiInnowacje., [online] 22, pp.182–186.
47. МирзаеваШиринНодировна (2022). ЎЗБЕКИСТОНШАРОИТИДААҲОЛИНИИШБИЛАНТАЪМИНЛАШСОҲАСИДАДАВЛАТХИЗМАТЛАРИСАМАРАДОРЛИГИНИОШИРИШЎЛЛАРИ.БАРҚАРОРЛИКВАЕТ АКЧИТАДҚИҚОТЛАРОНЛАЙНИЛМИЙЖУРНАЛИ, [online] 2(4), pp.428–438.

48. M.S.Nodirovna, S.T.Ugli., and A.I. Abduazizovich, (2022). WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje*, [online] 23, pp.29–37.
49. Nodirovna, M.S., Bakhtiyorovich, S.J. and Ta'nakulovich, T.K. (2022). Prospects for the Development of Small Business and Entrepreneurship in the Digital Economy. *American Journal of Economics and Business Management*, [online] 5(3), pp.248–252.
50. Mirzaeva, S. Nodirovna (2022). Ways to Increase Investment Potential in Samarkand Region. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(2), p.471. doi:10.18415/ijmmu.v9i2.3542.
51. Sidorov V. A. et al. INNOVATSIYA IQTISODIYOTI: TEXNOLOGIK YUTUQ MUAMMOSI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2023. – T. 3. – №. 2. – С. 8-15.
52. Saidakhmedovich S. T., Bekhruz U. PROBLEMS OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS IN THE REAL SECTOR //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 10. – С. 624-628.
53. Шарипов Т. С. Важность организации ресторанных услуг в управлении гостиничным бизнесом //Молодой ученый. – 2020.
54. Sharipov T. Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлик масалалари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2017. – №. 1. – С. 136-142.
55. Nodirovna M. S. ESTABLISHMENT AND MAINTENANCE OF CENTRALIZED SERVICE AGENCIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 631-637.
56. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
57. Artikov Z. S. In Competitions Conductrd by Belt Wrestling Use of Fast Technical Methods Efficiency //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 253-255.
58. Saifiddinovich A. Z., Shokhrukhovich U. F. Social Protection of the Unemployed and their Labor Increasing Competitiveness in the Market //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 61-63.
59. Артиков З. С. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2022. – №. 4 (152). – С. 59-65.
60. Uralovich A. N., Abdulloevich N. D., Sayfiddinovich A. Z. An Analysis of the Demographic Data of Population of the Republic of Uzbekistan //American journal of social and humanitarian research. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 15-22.
61. Nodirovna, M. S. ., Feruz, E. ., Rustambek, K. ., & Khudoyor, A. . (2023). Ways of Attracting Investments in Service Enterprises of the Republic of Uzbekistan. *INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY*, 2(3), 81–87. Retrieved from <http://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/1269>
62. Abdurkarimov F. B. RESEARCH AND SYSTEMATIZATION OF TRADE SERVICES SERVES TO IMPROVE THE COUNTRY'S ECONOMY IN THE CORONAVIRUS PANDEMY PERIOD //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.1 Economical sciences.



63. Абдукаримов Ф. Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида) //Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд: СамИСИ. – 2011. – Т. 156.
64. Mustafaevich T. N., Shakhboz R. SYSTEM FOR ANALYZING AND PROCESSING DATA ON UNIVERSITY STAFF BASED ON A FUZZY CONTROLLER WITH A FIXED KNOWLEDGE BASE //Open Access Repository. – 2022. – Т. 8. – №. 03. – С. 16-21.
65. Ражабоев Ш. Ш. Экологическое образование в целях устойчивого развития территорий. – 2022.
66. Ahmadovich, R. A. ., Tulkinjonovna, T. N. ., & Shodiyevich, R. S. . (2023). Statistical Analysis of Word Formation by Affixation between Two Languages. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(4), 213–218. Retrieved from <http://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/150>
67. Abduazizov, I. A., Khudayberdiyeva, S. I., Azimjonova, F. F. qizi, & Jurakulova, S. T. qizi. (2023). THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN DEVELOPING THE COMPETITIVENESS OF DESTINATIONS AND IMPROVING THE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 581–587. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1664>
68. Abduazizov , I. A., Azimjonova, F. F. qizi, Jurakulova , S. T. qizi, & Khudayberdiyeva, S. I. (2023). MICROCREDIT AS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESSES IN UZBEKISTAN. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 573–580. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1663>
69. Abduazizov, I. A., Azimjonova, F. F. qizi, Jurakulova, S. T. qizi, & Khudayberdiyeva , S. I. (2023). INNOVATIVE WAYS TO INCREASE THE COMPETITIVENESS OF THE TOURISM SECTOR IN THE COUNTRY. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 588–592. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1665>
70. Абдуазизов, И. А., Абдунабиев, Б. З., & Ражабова, К. Д. (2022). РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(6), 379–385. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/551>
71. Мирзаева Ш. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 428-438.
72. Mardonov B., Erdonov M. SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCE //СТУДЕНЧЕСКИЙ ВЕСТНИК. – 2019. – Т. 19. – №. 69 часть 6. – С. 87.
73. Mardonov B., Erdonov M. IMPORTANCE OF IMPROVING THE LIVING STANDARDS OF THE POPULATION IN THE SERVICE SECTOR //Студенческий вестник. – 2019. – №. 19-6. – С. 87-89.
74. Эрдонов М. Э. КАМБАҒАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИАТИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 10.
75. Anvar, K. . (2023). The Current State of the Industry and Service Sector of Sports Tourism of Uzbekistan. *World of Science: Journal on Modern Research Methodologies*, 2(4), 12–17. Retrieved from <http://univerpubl.com/index.php/woscience/article/view/880>

76. Anvar, K. . (2023). Foreign Experience in the Development of Sports Tourism. *INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY*, 2(4), 1–10. Retrieved from <http://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/1366>